

## МАЖ-ОЕ ЖАМОНДЫРЫШ ШАРТЛАРИ.

### IV. ТОВАРНИ ТОПШИРИШ ШАРТЛАРИ.

- 4.1. Ушбу шартнома шартларига мувофиқ товар сотув жойидан топширилади.
- 4.2. Товарни тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан шикастланиш хавфи товар топширилган пайтдан бошлаб "Харидор"га ўтади.
- 4.3. Товарни топширишдан бошлаб келишилган муддатга кадар "Сотувчи" сифатига кафолат беради ва алмаштиришни ўз зиммасига олади.
- 4.4. "Харидор" товар маҳсулотларини қабул килиб олишда товарларни тўлик эмаслиги сифатсизлиги аникланган тақдирда ушбу маҳсулотларни қабул килиб олмаслик хукукига эга

### 5. ШАРТНОМАНИ АМАЛ КИЛИШ МУДДАТИ.

- 5.1 Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Навоий вилояти бўйича Газначилик бошкармасидан рўйхатдан ўтказилгандан сунг кучга киради ва 2022 йил "31" декабргача амал килади.

### VI. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

- 6.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айборд тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлик коплайди ва 20% микдорда жарима тўлайди;
- 6.2. Тўловни кечикирилганлиги учун "Харидор" хар кечикирилган кунга тўловни кечикирилган сўмманинг 0,5 % микдорида, лекин ушбу сўмманинг 50 % дан ошмаган микдорда товон (пеня) тўлайди
- 6.3. Бокимандани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод килмайди
- 6.4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Конун хужжатларига мувофиқ белгиланади.

### VII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ.

- 7.1. Ушбу шартнома юзасидан тарафлар ўртасида келиб чикадиган низо ва зиддиятлар тарафлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан хал этилади.
- 7.2. Музокаралар олиб бориш йўли билан низони хал этиш имконияти бўлмаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилиги асосида тегишли суд органларига мурожаат этилади

### VIII. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ.

- 8.1 Томонларнинг хоҳиши - истагига мутлако бўлмаган холларда (Нокурай об-хаво шароитлари, зилзила, сув тошқини ва бошка табиий оғатлар (форс-мажор) туфайли бажарилмаган ёки кисман бажарилмаган (етказиб берилмаган ёки тулаб берилмаган) лиги шартнома шартларини ижро этиш бузилган деб ҳисобланмайди ва ушбу холатда томонларни шартномани бажариш муддати келишилган муддатга кечикирилади

### IX. БОШКА ШАРТЛАР.

- 9.1. Шартнома тарафларнинг узаро келишувига мувофиқ ёки бир тараф шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда иккинчи тарафнинг талаби билан факат хўжалик судининг карорига биноан бекор килининиши ва ўзгартирилиши мумкин.
- Шартномани бир тарафлама бекор килиш ёзма таклиф бериш йули билан амалга оширилади. Таклиф олингандан сунг 30 кунлик муддат ичida унга жавоб олинмаган тақдирда шартномани ўзгартириш ва бекор килиш хақидаги талабни судга тақдим этилиши мумкин
- 9.2. Тарафлар ўзларининг юридик манзиллари ва бошка реквизитлари ўзгарганлиги ҳакида бир-бирларини 3 кунлик муддатда хабардор килишлари шарт.
- 9.3. Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қушимчалар ёзма равишда бажарилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган холдагина ҳакиқийдир.
- 9.4. Шартнома иккى нусхада тузилган бўлиб, иккаласи хам бир хил юридик кучга эга ҳисобланади ва тарафларга бир нусхадан берилади.
- 9.5. Шартномага иловалар унинг ажралмас қисмини ташкил этади.